AUDIT UNION

MCHJ “Audit Union”AT

Manzil: 220100 Xorazm vil. Янгиарик т. Янги шахар кўчаси, 90/7-уй, 11-хонадон Tel: 62 228 43 71. Elektron manzil: audit-union@umail.uz
Litsenziya raqami: AF № 00841 16.03.2020 y XXTUT: 69202 INN: 306 959 312
X/R: 2020 8000 2051 5519 6001 MFO: 00547 Milliy bank Urganch bo'limi

“Урганч Марказий деҳқон бозори” АЖ раҳбарияти ва акциядорларига

Аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлик номи:	“Урганч Марказий дехкон бозори” Акциядорлик жамияти
Юридик манзил:	Хоразм вилояти Жиззах кўчаси 1 уй
Хисоб раками:	2020 8000 6041 4127 4001
МФО:	00581 "Асакабанк" АЖ Урганч филиали
ХХТУТ:	71270
СТИР:	203 708 684
Тел:	97 360 02 22

Аудиторлик ташкилоти:

Тўлик номи:	“AUDIT UNION”AT МЧЖ
Юридик манзил:	Хоразм вил.Янгиарик т. Дўстлик МФЙ, Янги шахар кўчаси, 90/7-уй, 11-хонадон тел: +998 62 228 43 71
Хисоб раками:	2020 8000 2051 5519 6001
МФО:	00547 Миллий банк Урганч бўлими
ХХТУТ:	69202
СТИР:	306 959 312
Давлат реестрига киритилганлиги:	Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари марказидан Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига 2019 йил 20 декабрда 790271 сонли рўйхат ракамли ёзув киритилган Гувохнома
Лицензия:	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 мартда берилган Серия АФ № 00841 сонли Лицензия
Суғурта полиси:	АЖ “O'zbekinvest” Эхспорт-Импорт суғурта компанияси томонидан 2022 йил 5 апрелда берилган 547860 сонли суғурта полиси
Аудитор:	Ў.Тажибаев Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда берилган 05626 сонли аудитор малака сертификати
Асос:	Шартнома № 01-32-23 санаси 15.04.2023 й.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Фикр

"Урганч Марказий дехқон бозори" Акциядорлик жамиятининг 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 ҳолатига бўлган даври учун молиявий ҳолат тўғрисидаги 15.04.2023 йилда тасдиқланган Бухгалтерия баланси ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисидаги 01.04.2023 йилда тасдиқланган Молиявий натижалар ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий "Урганч Марказий дехқон бозори" Акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижалари барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро аҳлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "*Профессионал бухгалтерлар учун аҳлоқ" Кодекси* талабларига ва аҳлоқий қоидаларига, "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги" қонунга, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари - ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлиги

Раҳбарият Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгардир, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Жамият раҳбарияти корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олиш имкониятига эга эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит хисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Биз жамият раҳбарияти билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида муҳокама қиламиз.

Биз шунингдек, жамият раҳбарияти аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз жамият раҳбариятига хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Хулоса тузилган сана 01.05.2023 йил.

Мустақил аудит ўтказган аудитор ***Ў.Тажибаев***

“AUDIT UNION”АТ МЧЖ
раҳбари **Б.Рахимов**

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

"Audit-Union" АТ МЧЖ

AUDIT UNION

"Urganch markaziy dehqon bozori" АЖ

MCHJ "Audit Union"AT

Manzil:220100 Xorazm vil. Янгиарик т. Янги шахар кўчаси, 90/7-уй, 11-хонадон Tel: 62 228 43 71. Elektron manzil: audit-union@umail.uz
Litsenziya raqami: AF № 00841 16.03.2020 y XXTUT: 69202 INN: 306 959 312
X/R: 2020 8000 2051 5519 6001 MFO: 00547 Milliy bank Urganch bo'limi

"Urganch markaziy dehqon bozori"
Акциядорлик жамияти акциядорларига

Аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	**"Urganch markaziy dehqon bozori" Акциядорлик жамияти**
Юридик манзил:	**Хоразм вилояти Жиззах кўчаси 1 уй**
Ҳисоб рақами:	**2020 8000 6041 4127 4001**
МФО:	**00581 "Асакабанк" АЖ Урганч филиали**
ХХТУТ:	**71270**
СТИР:	**203 708 684**
Тел:	**97 360 02 22**

Аудиторлик ташкилоти:

Тўлиқ номи:	**"AUDIT UNION"АТ МЧЖ**
Юридик манзил:	**Хоразм вил. Янгиарик т. Дўстлик МФЙ, Янги шахар кўчаси, 90/7-уй, 11-хонадон тел: +998 62 228 43 71**
Ҳисоб рақами:	**2020 8000 2051 5519 6001**
МФО:	**00547 Миллий банк Урганч бўлими**
ХХТУТ:	**69202**
СТИР:	**306 959 312**
Давлат реестрига киритилганлиги:	**Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари марказидан Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига 2019 йил 20 декабрда 790271 сонли рўйхат рақамли ёзув киритилган Гувоҳнома**
Лицензия:	**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 мартда берилган Серия АФ № 00841 сонли Лицензия**
Суғурта полиси:	**АЖ "O'zbekinvest" Эхспорт-Импорт суғурта компанияси томонидан 2022 йил 5 апрелда берилган 547860 сонли суғурта полиси**
Аудитор:	**Ў.Тажибаев Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда берилган 05626 сонли аудитор малака сертификати**
Асос:	**Шартнома № 01-32-23 санаси 15.04.2023 й.**
Хулоса тузилган сана	**01.05.2023 йил**

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Аудиторлик текшируви «Urganch markaziy dehqon bozori» АЖ Бекчанов Отахон хабардорлигида, ҳамда бош хисобчи Ғоипов Анварнинг бевосита иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви даврида кирими-чиқим хужжатларига бошқарув раиси Отахон Бекчонов биринчи имзо қўйиш хукуки берилган.

Бош хисобчи лавозимида Ғоипов Анвар хозирги кунга қадар ишлаб келмокда.

Аудиторлик текшируви ўтказилган давр мобайнида Жамиятнинг хизмат кўрсатиш ва молиявий хўжалик фаолияти бўйича қонуний жавобгар раҳбар хисобланади.

Аудиторлик текшириш муддати: **2023 йил 18 Апрел куни бошланиб, 2023 йил 01 Май куни якунланди.**

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар маҳфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-январдаги Ф-5537-фармойиши билан ташкил қилинган коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурига асосан жамият хисоботларининг асосий қисмини максимал даражада масофадан туриб (“онлайн” режимида масофавий тарзда) олинган маълумотлар асосида ҳисобот тузилди.

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Жамиятнинг ташкил топиши, мақсади ва вазифалари тўғрисида

“Urganch markaziy dehqon bozori” АЖ (кейинги бандларда - Жамият деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси)нинг 1994 йил 30 Ноябрдаги 362-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва Хоразм вилояти Адлия бошкармаси 1994 йил 30 Ноябрда № 362-сон билан рўйхатга олинган қарор бўйича ташкил топган.

Жамиятнинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга муассис томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамисини ифодалайди.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Жамият устав фондининг миқдори 5 706 965 000 (Беш миллиард етти юз олти миллион тўққиз бз олтмиш беш минг) сўмни ташкил этади ва устав фонди миқдори тўлиқ шакллантирилган.

Шу жумладан : 1. Урганч шахар хокимяти улуши 83.2% 4 748 194 880 (тўрт миллиард етти юз қирқ саккиз миллион саккиз юз ўн тўққиз минг саккиз юз саксон сўм)

2. Жамият Акциядорлар улуши 16.8% - 958 770 120 (тўққиз юз еллик саккиз миллион етти юз етмиш минг бир юз йигирма сўм)

Жамиятнинг мақсади ва фаолият турлари қуйидагилардан иборат.

- Халк хўжалиги махсулотларини жумладан кишлок хўжалик махсулотларини харид килиш ва сотишнинг зомонавий бозор тизимини шакиллантириш :
- Ахолини халк хўжалиги молларига, жумладан кишлок хўжалиги молларига бўлган талабини кондириш максадида ушбу махсулотларни сотиш шахобчаларини ташкил килиш:
- Сотувчилар ва истемолчиларга курулиш,озик овкат махсулотлари ва кишлок хўжалик махсулотлари савдосини,унинг санитария-ветеренария тахлилини сертификатлашни,транспортда ташишни,ортиш-тушуриш,буюмларни саклаш,пакетларга жойлаш ва маркалашни ташкил этиш бўйича комплекс сервис хизматларни кўрсатиш:
- Кишлок хўжалик жамиятларидан,дехкон ва фермер хужаликларидан кишлок хужалиги махсулотлари харид килиш ва сотиш:
- Бозорнинг ишлаб чикариш инфратузулмасини ривожлантириш (савдо майдонлари,омборхоналар,музхоналар,махсулотларни кайта ишловчи цехлар ва бошка обектлар куруш)га, бозорга тутуш худудларни ривожлантириш (мехмонхоналар,овкатланиш пунктлари, транспорт тўхташ жойлари, йўллар, алока узеллари, тиббий хизмат кўрсатиш пунктлари)га инвесторлар маблағларини жалб килиш.
- Ахолини кенг ассартиментдаги халк хўжалиги махсулотлари ва улардан кайта ишланган махсулотлар билан таъминлаш.
- Улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш.
- Ташкилотларга ахолига транспорт хизматини кўрсатиш.
- Автотранспорт воситаларини таъмирлаш, ёкилғи махсулотларини алмаштириш бошка техник хизматларни курсатиш, автомабилларни ювишни ташкил килиш, автомабилларни ижарага бериш фаолияти билан шуғулланиш.
- Автомабил, кишлок хўжалик техникалари эхтиёт кисмлари савдоси билан шуғулланиш.
- Кўчар ва кўчмас мулкларни белгиланган тартибда сотиш ва ижарага бериш.

Сканировано с CamScanner

- Ахолига маиший хизмат кўрсатиш билан боглик пуллик хизматларни кўрсатиш.
- Ахолига жамият ва ташкилотларга компютер ва нусха кўчириш хизматларини ташкил килиш.
- Тикиш ва тўкиш мебел ишлаб чикариш цехларини ташкил килиш.
- Нон ва нон махсулотлари гўшт махсулотларини ишлаб чикариш.
- Кандолат махсулотлари, яхна ичимликлар ва музкаймок ишлаб чикариш.
- Хисоблаш ва оргтехника ускуналарини таъмирлаш, программалар тузуш, теле радио аппаратуралар, музлатгич, кирювиш машиналари, электр ускуналар, чанг ютиш, соат, кулф калитлар тузатиш цехларини ташкил килиш.
- Жамиятнинг узида маркетинг ва реклама килиш билан шуғулланиш, хар хил кўргазмалар ярмаркалар ва техникавий савдо Жамиятларини ташкил килиш.
- Заргарлик бюмларини таъмирлаш, ишлаб чикариш ва ахолии эхтиёжига караб келтириб сотиш.
- Конунда белгиланган тартибда ташки иктисодий фаолият билан шуғулланиш.
- Хайрия максадида маблағлар ўтказиб бериш.
- Агарда маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (Лицензия) керак бўлса. Жамият бу фаолиятни рухсатнома олгандан сунг амалга оширади.
- Жамиятни хар кандай бошка фаолияатни амалга ошириш учун керак бўладиган, шу жумладан конунчилик билан такикланмаган диверсификатсия тартибида, ушбу низом билан белгиланган фаолият тури ва максадига зид бўлмаган, фукоролик хукукларига ега булиши ва фукоролик мажбуриятларини олиши мумкин.

Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин

2. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Ички назорат тизими фаолияти таҳлили натижаси

Хар бир Жамиятнинг ички назорат тизими ўз ичига Жамият раҳбарияти томонидан қабул килинган ва Жамиятнинг нормал, тартибга солинган, самарали хўжалик фаолиятини таъминловчи ташкилий характерга эга тадбирлар, методикалардан иборат.

Жамиятнинг ички назорат тизими Жамиятда қуйидаги талабларни бажариб борилишини таъминлаш учун мўлжалланган:

-- Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларини бажариб борилиши;

Сканировано с CamScanner

-- Бухгалтерия ҳисобини олиб борилишини аниқлилиги ва тўлалиги;

--Бухгалтерия ҳисобини олиб борилишида хатоликларга йўл қўймаслик;

-- буйруқлар фармойишларнинг бажарилиши;

-- активларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш.

Ички назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади.

-- бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тизими;

-- назорат мухити;

-- назорат тизимининг алоҳида воситалари.

Жамиятнинг ички назорат тизими таърифи қуйидагича:

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тизими – бу бошланғич ҳужжатлар асосида Жамиятнинг мулки ва мажбуриятларини узлуксиз равишда акс эттирилиб борилиши методлари мажмуаси.

Назорат муҳити - бу Жамият рахбарияти томонидан ички назорат тизимини жорий килиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган харакатлари, муносабати мажмуаси.

Ички назорат воситалари - бу Жамият раҳбарияти томонидан Жамият бўлимларида самарали бошқариш максадида жорий қилинган, ўрнатилган ички назорат тизимининг таркибий қисмлари.

Жамиятнинг ички назорат тизими фаолиятига баҳо бериш мақсадида, белгиланган аудиторлик процедураларга мувофиқ холда қуйидаги тадбирлар ўтказилди:

- Жамиятнинг ишчи ходимлари билан мулоқот ўтказилди;
- Жамият раҳбарлари билан мулокот ўтказилди;
- Хужжатлар билан танишиш ўтказилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида Жамиятнинг ички назорат тизимига, унинг тўлалиги, аниқлиги тўлалилиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича баҳо берилди.

Ўтказилган текшириш натижасида Жамият томонидан амалга оширилган хўжалик операциялари бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланганлиги ифода этилди.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини олиб бориш учун ягона ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш журнал - ордер шаклида йўлга қўйилган.

Ойлик маошини ҳисоблаш, дебидор ва кредитор қарзлар ҳисобини олиб бориш учун китоблар очилган ва юритилган.

Жамият томонидан ҳар йилда белгиланган тартибда ва муддатларда баланс ҳисоботи Ф№1 (иловалар билан) ва молиявий натижалар тўғрисидаги

ҳисобот Ф№ 2 солиқ инспекциясига ва бошқа фойдаланувчиларга тақдим қилинган.

2022 йиллар давомида товар моддий бойликлари олиш моддий жавобгар шахсларга берилган ишонч қоғозлари асосида амалга оширилган.

Берилган ишонч қоғозлари ишлатилиши ва бекор килинганлиги бўйича китобда белгилар қўйиб борилган.

Барча моддий жавобгар шахслар билан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома килинган.

Моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари хар ойда бухгалтерияга тақдим килинган.

Жамиятда ходимларнинг мансаб вазифаси йўриқномалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ходимларни ишга қабул килиш меҳнат шартномалари асосида амалга оширилган.

Раҳбарият ва меҳнат жамоаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланган.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари. Асосий воситалар ва капитал қўйилмалар ҳисоби. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Жамият балансининг 010-сатрида ўзининг асосий воситаларнинг бошланғич (тикланиш) киймати акс эттирилган.011-сатрда асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилган.

Баланснинг 012-сатрида 010-сатр “Бошланғич (тикланиш) киймати” ва 011-сатр “Эскириш суммаси” фарклари акс эттирилган.

2022 йил 31 декабр ҳолатига асосий воситалар бошланғич (тикланиш) киймати (баланснинг 010 сатри) 15 327 650,0 минг сўмни, асосий воситалар эскириши (баласнинг 011 сатри) 1 792 053,0 минг сўм ҳисобланган, баланс қолдиқ қиймати (баланснинг 012-сатри) 13 535 597,0 минг сўмни ташкил қилган.

Асосий воситалар ҳисоби.Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш. Асосий воситаларни реализация қилиш. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни тўғрилиги.

Жамият ҳисоботларига кўра 2022 йил 01 Январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич киймати 13 393 500,0 минг сўм. Жамиятга йил давомида 1 934 150,00 минг сўмлик асосий восита кирим қилинган. 2022 йилда асосий воситаларга 306 553,0 минг сўм эскириш ҳисобланган.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Urganch markaziy dehqon bozori АЖ нинг 2022 йил 01 январдан 2023 йил 1 январгача бўлган асосий воситаларидаги ўзгаришлар (баланс бўйича (22.05.2023 йил ҳолатига)).

(минг сўмда)

01.01.2022 йил Ҳолатига		Кирим қилинган асосий воситалар	31.12.2022 йил ҳолатига
Асосий воситалар	13 393 500,00	1 934 150,00	15 327 650,00
Эскириш	1 485 500,00	306 553,00	1 792 053,00
Қолдиқ қиймати	11 908 000,00		13 535 597,00

Urganch markaziy dehqon bozori АЖ нинг 2022 йил 01 январдан 2023 йил 1 январгача бўлган асосий воситаларидаги ўзгаришлар (жамият ҳужжатлари бўйича).

(минг сўмда)

01.01.2022 йил Ҳолатига		Кирим қилинган асосий воситалар	31.12.2022 йил ҳолатига
Асосий воситалар	13 334 175,19	1 934 150,00	15 268 325,19
Эскириш	1 485 500,00	306 553,00	1 792 053,00
Қолдиқ қиймати	11 848 675,19		13 476 272,19

Асосий воситаларга хисобланган эскириш суммаларини кандай усулда хисобланганлигини кўрсатувчи хужжат жамият томонидан тақдим қилинмади. Шу сабабдан эскириш суммалари тўғри хисобланганлигини аниқлашни иложи бўлмади ва эскириш суммаси баланс хисоботида кўрсатилган сумма қўйилди. 2022 йил давомида асосий воситалар таркибига кирим қилинган асосий воситалар хужжатлари текширилганда Кўчма дукон ва офислар **470 476,00 минг сўм (счёт фактура бўйича 364 000,00 минг сўм)** ва Ёпик Повилион №1 м2 ни жорий тамирлаш харажатлари **1 463 674,00 минг сўм (бу бўйича хеч қандай счёт фактура келмаган)** хисобига кўтарилганини аниқланди. Асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича қурувчи ташкилот томонидан бажарилган ишлар далолатномаси берилган. Лекин шу далолатномага асосан 2022 йил давомида счёт фактура келмаган.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Қурувчи ташкилот томонидан 2021 йил 7 августда 2021 йил 27 майдаги 4 сонли шартномага асосан "ППС маркали том бостиргич Сэндвич панеллари (Сэндвич панели кровельные) ўрнатиш ишлари бажарилди" мазмунида **1 187 840,00 (ҚҚС билан) минг сўм**га счёт фактура келган. Бажарилган ишлар далолатномаси берилгандан кейин, далолатнома санаси билан счёт фактура хам юборилиши лозим. Бажарилган ишлар далолатномасига счёт фактура юборилмаганлиги сабабли қилинган харажатлар асосий воситалар устига олиб борилиши хато хисобланади.

Кўчма дукон ва офислар учун 2022 йил 25 январдаги №6-сонли шартномага кўра 2022 йил 18 мартда **418 600,00 минг сўм** (ҚҚС билан)га сотиб олинган ва ҚҚССиз қиймати **364 000,00 минг сўмни** ташкил қилади. Лекин асосий воситалар рўйхатида бу сумма **470 476,00 минг сўм** (ҚҚССиз) кўсатилган. Ўртадаги фарқ **106 476,00 минг сўмни** ташкил қилади.

Жамиятда узоқ муддатли ижарага олинган асосий восита мавжуд эмас. Асосий воситалар бўйича жамият хужжатлари ва топширилган хисоботларда фарқлар мавжуд.

Хулоса: Аудит тахлили натижасида аниқланган камчиликлар тўғрилаш тавсия қилинади.

Жамиятнинг номоддий активлар ҳисоби

Жамиятнинг ҳисоботларига кўра 2022 йил 1 январ ҳолатига номоддий активлари бошланғич (тикланиш) киймати (баланснинг 020 сатри) 4 550 659.0 минг сўмни, номоддий активларнинг эскириши (баласнинг 021 сатри) 0.0 минг сўм ҳисобланган, баланс қолдиқ қиймати (баланснинг 022-сатри) 4 550 659.0 минг сўмни ташкил қилган. мавжуд эмас. Жамият йил давомида ҳеч қандай номоддий активлар сотиб олмаган.

Узок муддатли инвестициялар хисоби

Молиявий хисоботда жами узок муддатли инвестициялар хисоби бухгалтерия балансининг 030 сатрида (Узок муддатли инвестициялар) акс эттирилган. 2022 йил бошига хеч қандай Узок муддатли инвестициялар мавжуд эмас 2022 йил давомида хеч кандай ўтказмалар содир бўлмаган

2022 йил 31-декабр холатига қолдик мавжуд эмас.

Хулоса: Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланмади.

Капитал қўйилмалар

Молиявий хисоботда жами Капитал қўйилмалар хисоби бухгалтерия балансининг 100 сатрида (Капитал қўйилмалар) акс эттирилган. 2022 йил бошига хеч қандай қапитал қўйилма мавжуд эмас 2022 йил давомида хеч кандай ўтказмалар содир бўлмаган

2022 йил 31-декабр холатига қолдик мавжуд эмас

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Хулоса: Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланмади.

Узок муддатли дебитор қарздорлик хисоби

Узоқ муддатли дебитор қарздорлик хисоби Бухгалтерия Баланси 110 сатрида олиб борилади 2022 йил йил бошига қолдик мавжуд эмас. 2022 йил давомида хеч кандай ўтказмалар содир бўлмаган Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланмади.

Товар –моддий захиралар ҳисоби. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши

Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида Товар-моддий захиралари ҳисоби бухгалтерия балансининг 140-сатрида акс эттирилган. 2022 йил 1 январ ҳолатига товар моддий бойликлари заҳиралари қолдиғи 575 200,0 минг сўмни ташкил қилган. Жамият томонидан тақдим қилинган материаллар харакати тўғрисидаги хисоботда 2022 йил 1 январ холатига ТМБлар қиймати 160 565,58 минг сўм ни ташкил қилади.

Жамият томонидан тақдим қилинган материал отчётда кимир қилинган ТМБлар қиймати 273 984,77 минг сўм, чиқим қилинган ТМБлар эса 262 485,29 минг сўмни ташкил қилади.

2022 йил давомида 302 824,52 минг сўмлик ТМБ счёт фактура ва юк хатлари орқали кирим қилинган. Жамият томонидан тақдим қилинган хисобот ва аудит тахлили натижасида кирим қилинган материаллар ўртасидаги фарқ 28 839,75 (302 824,52- 273 984,77=28 839,75) минг сўмни ташкил қилди.

Бухгалтерия ҳисоботида акс этттирилиши

Ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби бухгалтерия балансининг 140-сатрида акс эттирилган. Ташкилотда товар моддий бойликлари хисобини олиб бориш учун моддий жавобгар шахс бўйича алоҳида айланма ведомостлар очилган ва юритилган.

Жамиятда товар моддий бойликлари хисобини олиб бориш учун моддий жавобгар шахс бўйича алоҳида айланма ведомостлар очилган ва юритилган Асосан хисоблар эхсел дастури оркали юритилган бирламчи хужжатлар Акт Далолатнома Хисобварак фактура ва ишончномалар тўғри расмийлаштирилган хисоб хужжатлари кўриб чиқилиб Жамиятга ихтиёрига қайтарилди.

Аудитор Ў.Тажибаев

Материалларнинг ҳисоби, ҳисобдан чиқаришнинг тўғрилигини текшириш. ЁММни ишлатиш ва унинг ҳисоби.

Жамият ҳисобларига асосан 2022 йил давомида 58 дона ишонч қоғозлари ёзилган, шундан яроқсиз (аналирован) 10 дона, кутиш ҳолатида 4 дона, 44 дона ишлатилган ишонч қоғозлари билан асосий воситалар, товар моддий қийматликлари олинган. Олинган барча товар моддий бойликлар бирламчи ҳужжатлари асосида кирим қилиниб Жамият ҳисоботларида тўғри акс эттирилган.

Хулоса: *Жамият бухгалтерия балансидаги ўзгаришларни тузатиш ва қайта ҳисобот топшириш тавсия этилди.*

Жорий дебиторлик қарзлар ва мажбуриятлар ҳисоби. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Дебиторлик қарзлар молиявий ҳисоботда баланснинг 210-сатрида акс эттирилган:

Дебиторлик қарзларнинг баланс сатрлари бўйича қолдиқлари қуйидагича:

(минг сумда)

Баланс сатрлари	Бухгалтерия хисоби	Бухгалтерия хисоби
	Қолдиқ 01.01.2022 йил ҳолатига	Қолдиқ 31.12.2022 йил ҳолатига
250-сатр Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	164,0	0,0
270-сатр Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	0,0	190 639,0
310-сатр «Бошка дебиторлик қарзлари»	3 032 306,0	3 047 033,0
210-сатр «Дебиторлик қарзлар» Жами	**3 032 470,0**	**3 237 672,0**

Бошка дебиторлик қарзлари бўйича хужжатлар тақдим қилинмаганлиги сабабли текширишнинг иложи бўлмади.

Жорий мажбуриятлар молиявий ҳисоботда баланснинг 600-сатрида акс эттирилган.

2022 йил 1 январ ҳолатига узоқ муддатли мажбуриятлар мавжуд эмас.

Жорий кредиторлик қарзларнинг баланс сатрлари бўйича қолдиқлари қуйидагича:

Сканировано с CamScanner

(минг сумда)

Баланс сатрлари	Жамият ҳисоби	Жамият ҳисоби
	Қолдик 01.01.2022 йил ҳолатига	Қолдик 31.12.2022 йил ҳолатига
610- сатр Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	3 470 802,0	1 384 786,0
710-сатр Таъсисчиларга бўлган қарзлар	363 100,0	363 100,0
720-сатр Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	156 617,0	182 450,0
760-сатр Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	0,0	165 234,0
600-сатр «Жорий мажбуриятлар» Жами	**3 990 519,0**	**2 095 570,0**

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз 2022 йил бошига **3 470 802,00 минг сўм** ва йил охирига қолдиқ **1 384 786,00 минг сўм**ни ташкил қилади. Мол-етказиб берувчиларга 2022 йил давомида жами **1 737 833,54 минг сўм** ўтказиб берилган, коорпоратив картадан **51 482,49 минг сўм**лик пуллар қирқилган ва йил давомида 1 194 635,03 минг сўмлик ТМБлар қабул қилинган. 2022 йил охирига қолдиқ **2 876 121 минг сўм (3 470 802-1 737 833,54 – 51 482,49+1 194 635,03=2 876 121)** ташкил қилиши керак эди. Лекин жамият балансида қолдиқ сумма **1 384 786,00 минг сўм**ни ташкил қилган. Ўртадаги фарқ **1 491 335,00 минг сўм**ни ташкил қилади.

Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланди ва хатоларни тўғрилаш тавсия қилинди.

Ҳисоб рақами ва кассадаги пул маблағлари ҳисоби таҳлили натижалари. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Пул маблағларининг ҳисоби молиявий ҳисоботда баланснинг 320-сатрида акс эттирилган.

Тақдим қилинган баланс ҳисоботининг 320 сатрида кўрсатилган пул маблағларининг 2022 йил 1 январ ҳолатига бўлган қолдиғи 437 486 минг сўмни ташкил қилган.

Шундан: асосий Хисоб рақамидаги пул маблаглари 437 486 минг сўм.

Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида 2023 йил 1 январ ҳолатига бўлган жами пул маблағлари қолдиғи 65 848,0 минг сўмни ташкил қилган ва фарк аникланмади

Шундан: асосий Хисоб рақамидаги пул маблаглари 65 848,0 минг сўм.

Сканировано с CamScanner

Хулоса: Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланмади.

Бухгалтерия ҳисоботида акс эттгирилиши.

Жамият 01.01.2022 йилда "Асакабанк" АЖ Урганч филиали ўзига тегишли бўлган ҳисоб рақамига эга.

Жорий ҳисоб рақами – 20208000604141274001 МФО – 00581

Банк бўлимлари билан амалдаги тартибда банк хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган. Текширилаётган даврда Жамиятда кассир вазифасини юклатилган.

Аудиторлик таҳлил жараёнида ҳисоб рақамида пул маблағларининг ҳаракати, хазинада нақд пул маблағларининг ҳаракати нақд пул маблағларининг ҳаракати танланма йўл билан анализ қилинди.

Ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳисоби №2 журнал ордерида, хазинадаги пул маблағлари ҳисоби тахлил қилинганда накд пуллар харакати тўғри акс эттирилган.

Ҳисоб рақами бўйича операцияларни текшириш.

Жамиятнинг банк муассасидаги ҳисоб рақами бўйича пул маблағлари операциялари текширувдан ўтказилганда қуйидагилар маълум бўлди.

Жамиятнинг ҳисоб рақамида 1 январ 2022 йилга 437 486 минг сўм қолдиқ бўлган. Жамият ҳисоб рақамига 2022 йил давомида жами 8 777 916, 16 минг сўм кирим бўлган ва ҳисоб рақамидан жами 9 149 553,79 минг сўм чиқим қилинган. 2022 йил 31 декабр ҳолатига ҳисоб рақамида 65 848,0 минг сўм пул маблағлари мавжуд бўлган. Бирламчи ҳужжатлар банк кўчирмаларидаги қолдиқ суммалари балансдаги қолдиқ суммалари билан солиштириб кўрилганда фарқ аниқланмади.

(Маълумотнома илова килинади)

Ғазнадаги пул маблағлари аудити.

Жамият ғазнасига 2022 йил бошига колдик мавжуд эмас. 2022 йил давомида накд пул маблағлари кирим чиқим қилинмаган.

Хулоса: Аудиторлик тешкируви тахлили натижасида фарк аникланмади.

Меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ва бошқа ҳисобдор шахслар билан ҳисоблар. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Молиявий ҳисоботда Жамиятнинг меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблар бўйича қолдиғи баланснинг 720-сатрида акс эттирилган. Тақдим қилинган баланс ҳисоботига асосан 2022 йил 1 январ ҳолатига меҳнат хақи

Сканировано с CamScanner

бўйича ходимлар билан ҳисоблар бўйича 156 617,0 минг сўм Карздорлик мавжуд. Ўтказилган аудиторлик таҳлил натижаси бўйича 2022 йил давомида ходимларга 2 318 476,39 минг сўм меҳнат ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланиб, шундан жами 314 287,46 минг сўм ажратмалар ушланган ва жами 2 092 808,91 минг сўм тўланган 2023 йил 1 январ ҳолатига меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблар бўйича қарздорлик 67 997,02 минг сўмни ташкил қилган. Лекин бухгалтерия балансида иш хакидан карздорлик суммаси 182 450,00 минг сўм кўрсатилган.

2022 йил давомида Жисмоний шахслар билан қилинган мехнат шартномасига асосан 50 230,00 минг сўм пуллар ўтказиб берилган. Лекин бу иш хақлари даромад солиғи ва ягона ижтимоий солиққа тортилмаганлиги сабабли 5 977,37 минг сўм даромад солиғи, 50,23 минг сўм ИНПС ва 6 027,60 минг сўм ЯИТ хисобланмасдан қолган.

06.06.2022 йилдаги 2-сонли хизмат кўрсатиш шартномасига асосан Джаббаров Казакбай Мадримовичга 2022 йил сентябрь ойи учун хисобланган 20 000,00 минг сўм иш хақи даромад солиғи ушланмасдан ўтказиб берилган.

Ходимларга ҳисобланган ойлик маоши ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг 6710 счётида олиб борилган.

Жамиятда ойлик маоши раҳбарият томонидан тасдиқланган штат рўйхатига асосан ҳисобланган. Мукофотлар ва бошқа қўшимча тўловлар жамоа шартномаси ва тасдиқланган низомлар асосида ҳисобланган.

Хусусий капиталлар ҳисоби. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Жамият хусусий капиталлари молиявий ҳисоботда (Ф№1) баланснинг сатрлари бўйича қуйидагича акс эттирилган:
«Низом жамғармаси» (410-сатр), «Тақсимланмаган фойда» (450-сатр), «Мақсадли тушумлар» (460-сатр).

Жамият хусусий капиталининг баланс сатрлари бўйича қолдиғи қуйидагича:

минг сўмда

Баланс сатрлари	Жамият ҳисоби	Жамият ҳисоби
	Қолдиқ 01.01.2021 йил ҳолатига	Қолдиқ 31.12.2021 йил ҳолатига
410- сатр Устав капитали (8300)	5 706 965,00	5 706 965,00
420-Сатр Қўшилган капитал (8400)	6 192 432,00	6 192 432,00
430-сатр Резерв капитали (8500)	3 228 693,00	4 230 693,00
450-сатр «Тақсимланмаган фойда» (8710)	1 002 000,00	1 267 782,00

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

470-сатр Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	383 206,00	2 385 200,00
480- сатр «Хусусий капитал» Жами	**16 513 296,00**	**19 783 072,00**

Аудит тахлили натижасида Хусусий капиталлар хисобини акс эттирилиш

-8300 счётида юритиладиган Устав капитали йил бошига 5 706 965,00 минг сўмни ташкил қилган. Йил охирига Қўшилган капитал ўзгаришсиз қолган ва 5 706 965,00 минг сўмни ташкил қилган.

-8400 счётида юритиладиган Қўшилган капитал йил бошига 6 192 432,00 минг сўмни ташкил қилган. Йил охирига Қўшилган капитал ўзгаришсиз қолган ва 6 192 432,00 минг сўмни ташкил қилган.

-8500 счётида юритиладиган Резерв капитали йил охирига 1 002 000 минг сўм га ошиб 4 230 693,00 минг сўмни ташкил қилган ва бу ўзгариш нима сабабдан бўлганлигини кўрсатувчи хужжатлар тақдим қилинмади. Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар хам йил охирига 2 001 994,00 минг сўмга ошиб 2 385 200,00 минг сўмни ташкил қилган ва бу ўзгариш бўйича ҳам хужжатлар тақдим қилинмади.

-8710 счётда жамиятнинг тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) акс эттирилган. Йил бошига фойда 1 002 000,00 минг сўмни ташкил қилган ва 2022 йил давомида жамият хисобчиси томонидан юборилган молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботга кўра 1 267 782,00 минг сўм фойда кўрган. Кўрилган фойдани йил бошидаги фойдага қўшиб хисобланса йил охирига таксимланмаган фойда 2 269 782,00 минг сўмни ташкил қилиши керак эди. Лекин солиқ органларига юборилган жамият бухгалтерия баланси 450 сатрида 1 267 782,00 минг сўм акс эттирилган.

-Хужжатлар етарли бўлмаганлиги сабабли жамият хусусий капиталининг 470 сатрларидаги ўзгарилшар бўйича текширишнинг имкони бўлмади.

Бухгалтерия хисоботида акс эттирилиши

Жамият хусусий капиталлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётларида олиб борган.

Устав капитали (8300) счётда

"Тақсимланмаган фойда"- 8710 счётда олдинги йиллардаги тақсимланмаган фойда ва ҳисобот даврида олинган соф фойда ҳисоби олиб борилган.

2022 йил 1 январ ҳолатига Жамиятнинг жами хусусий капиталлари 16 513 296 минг сўмни ташкил килган.

Шундан:

Сканировано с CamScanner

Устав капитали (8300) счёти йил бошига 5 706 965,00 минг сўмни ва йил охирида 5 706 965,00 минг сўмни ташкил килган. Аудит текшируви тахлили натижасида фарк аникланмади

Резерв капитали (8500) хисоб раками йил бошига 3 228 693,00 минг сўмни ташкил этган ва Резерв капитаи йил охирига 4 230 693,00 минг сўмни ташкил этди

Тақсимланмаган фойда 8710 счёти йил бошига қолдиқ 1 002 000,00 минг сўм 2022 йил охирига қолдиқ 1 267 782,00 минг сўмни ташкил қилган.

Хулоса: Аудиторлик текширив натижасида фарқ аниқланди ва хато камчиликларни тузатиш ва қайта хисобот юбориш тавсия қилинади.

Сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нинг ҳисоби таҳлили натижалари. Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлиқ бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши.

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг (Ф№2) 010- сатрида акс эттирилган.

010 – сатр 8 241 301,00 минг сўмни ташкил этди

Ўтказилган аудиторлик таҳлил натижалари ва бошқарма ҳисоботлари ўртасида фарқ аниқланмади.

Давр харажатлари таҳлили натижалари

Молиявий ҳисобот ва шу билан боғлик бошқа ҳисоботларда акс эттирилиши

Молиявий хисоботда давр харажатлари «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» нинг 040 сатрида акс эттирилган.

Жамият тақдим килган ҳисоботларга асосан кўрсаткичлар қуйидагича:

040-сатр 452 330,00 минг сум - Жами давр харажатлари.

Шу жумладан:

050-сатр 0,00 минг сўм Сотиш харажатлари

060- сатр 422 774,0 минг сум - Маъмурий ҳаражатлар.

070-сатри 29 556,0 минг сум – Бошка операцион харажатлар

Ўтказилган аудиторлик таҳлил натижасида

040-сатр 1 015 499,59 минг сум - Жами давр харажатлари.

Шу жумладан:

050-сатр 0,00 минг сўм Сотиш харажатлари

060- сатр 258 082,23 минг сум - Маъмурий ҳаражатлар.

070-сатри 757 417,36 минг сум – Бошка операцион харажатлар

Хулоса: Аудиторлик тахлил натижасида фарқ аниқланди қайта хисобот бериш тавсия этилади.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Бухгалтерия ҳисоботида акс эттгирилиши.

Жамиятда давр харажатлари хисоби бухгалтерия хисобининг 9400 счетида олиб борилган.

Ўтказилган аудиторлик таҳлил давомида Жамиятнинг 2022 йил давомидаги давр харажатлари ҳисоби ёппа метод асосида анализ килинди.

Минг.сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Жамият ҳисоботи		Аудит ҳисоботи	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	10	8 241 301,0	x	8 241 301,00	x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	20	x	6 204 324,0	X	5 031 476,80
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр,010-020)	30	2 036 977,0	-	3 209 824,20	
Давр харажатлари, жами (сатр,050+060+070+080), шу жумладан:	40	x	452 330,00	x	1 015 499,59
Сотиш харажатлари	50	x		x	
Маъмурий харажатлар	60	x	422 774,00	x	258 082,23
Бошка операцион харажатлар	70	x	29 556,00	x	757 417,36
Ҳисобот даврининг солик солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	80	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	90	80,00	x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр, 030-040+090)	100	1 584 727,00	-	2 194 324,61	-
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр,120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	-	x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр,180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	-	x	12 000,00
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180				
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар	210	x	-	x	12 000,00
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр,100+110-170)	220	1 584 727,00	-	2 182 324,61	-
Фавкулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга кадар фойда (зарар) (сатр,220+/-230)	240	1 584 727,00	-	2 182 324,61	-
Фойда солиғи	250	x	316 945,00	x	436 480,99
Фойдадан бошка соликлар ва бошка мажбурий тўловлар	260	x		x	690 628,18
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр,240-250-260)	270	1 267 782,00	-	1 055 215,43	-

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Жамият томонидан тузилган давр харажатларини ҳисоботлари ва ўтказилган таҳлил натижалари ўртасида фарқ аникланмади.

3. ХУЛОСА:

Жамият томонидан даромадларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 - сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби хақидаги Низом» и талабларига тўла риоя қилинган.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўланишининг таҳлили натижалари.

Жамиятнинг амалдаги солиқ конунларига ва ўзининг фаолияти сохасига асосан қуйидаги солиқ турларини ҳисобланган ва тўланган.

1. **ҚҚС солик**
2. **Ер солиғи**
3. **Мулк солики**
4. **Фойда солики**
5. **Ягона ижтимоий тўлов 12 % ажратма**
6. **Ишчи хизматчиларнинг иш ҳаққиларидан даромад солиғи 12 % ажратма**

1. ҚҚС солики бўйича

Жамият 2022 йил давомида товор иш хизматлар реализацияси 9 474 495,35 минг сўм шунда бозор савдо комплекслари ижара ва патта пуллари ва бошқа бозор даромадлари жами 9 474 495,35 минг сўмлик даромад кўрган ва 15 % солиқ базаси 9 474 495,35 минг сўмни ташкил этади 2022 йил давомида 1 174 627,53 минг сўмлик товорлар кирим қилинган. Йил давомида "Online" назорат касса машинаси орқали реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун берилган 20 866,47 минг сўмлик чеклар ҚҚССиз хисобланган.

Жамият хисоби бўйича солик базаси 1 233 082,03 минг сўмни ташкил этди ва ҳисобган олинадиган товорлар бўйича 138 137,42 минг сўм хисобга олиниб жами 1 094 944,61 минг сўм хисобланган. Online назорат касса машинаси орқали реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун берилган 20 866,47 минг сўмлик чеклар ҚҚССиз чек берилганлиги хисобига солиқ суммаси 2 721,71 минг сўм кам хисобланган.

Хулоса:Аудиторлик текшируви натижасида фарқ аникланди ва аниқланган чекларни тахрирлаб ҚҚС хисоботи қайта топшириш тавсия қилинади.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

2. Ер солиги бўйича

Жамиятнинг ёр солики солиш обектлари 1 та бўлиб куйдаги жадвалда батафсил кўрсатилган.

№	Ер участкаси жойлашган жой	Ер майдони, гектар	Солиқ базаси, гектар	Солиқ ставкаси 1 гектар учун, сўм	Солиқ суммаси
1	"Урганч марказий дехкон бозори" АЖ бозор худуди	6.53	6.53	36 850 000	239772581,55
Жамиси		6.53	6.53	36 850 000	239772581,55

2022 йил давомида хисобланган ер солики суммаси **239 772 581,55** сўмни ташкил этган.

Хулоса:Аудиторлик текшируви натижасида фарқ аникланмади.

3. Мулк солики

Жамият тасаруфида 2022 йилда Мол-Мулк солики обекти сифатида бино ва иншоатлар умумий майдони 11 036,03 (кв.метр) бўлган ва солиқ кодексига асосани кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати 1 500 000,00 (сўмда) ташкилқилган. Шунинг учун минимал қиймат татбиқ этиладиган майдоннинг минимал қиймати 16 554 045 000,00 сўмни ташкил қилган. Хосил бўлган қийматни 1.5% солиқ ставкасига кўпайтириб 280 109 962,5 сўм солиқ хисобланган.

Аудиторлик текшируви натижасида мол-мулк хисоботида хато камчиликларга йўл қўйилмаганлиги аниқланди.

Сатр коди	Бино ва иншоатлар умумий майдони (кв.метр)***	Минимал қиймат татбиқ этиладиган майдони (кв.метр)***	Солиқ кодексига асосани кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати (сўмда)	Камайтирувчи коэффициент	Минимал қиймат татбиқ этиладиган майдоннинг минимал қиймати	Солиқ солинадиган база	солиқ ставкаси	солиқ суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
010	11 036,0300	11 036,03	1 500 000,00	1,00	16554045000,0	16554045000,0	1,50	280109962,5
0111	0,0000	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
0112	0,0000	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00

Хулоса:Аудиторлик текшируви натижасида фарқ аникланмади.

Аудитор Ў.Тажибаев

Сканировано с CamScanner

Фойда солиғи

Жамият 2022 йил давомида Бозор худудида ижара ва бозор тушумидан жами **8 241 381,35 минг сўм** даромад олинган.

Харажатлар:

- Маъмурий харажатлар - **452 330,47 минг. сўм**;
- Сарфланган хом ашё ва материаллар - **1 939 974,59 минг сўм**;
- Сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари **8 265,61 минг. сўм**;
- Сарфланган электр энергия харажатлари - **150 659,82 минг. сўм**;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар - **2 596 693,56 минг. сўм**;
- Мол-мулк, ер, сув ресурсларидан ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик солиқлар - **660 890,30 минг. сўм**;
- Фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар - **411 090,03 минг. сўм**;
- Банк хизмати, хисобланган пения. аудитхизмати.юридик хизматлар – **130 196,27 минг. сўм**.

Жами **6 656 653,67 минг. сўм**лик харажатлар мавжуд бўлиб шундан чегирилмайдиган харажатлар 0,00 минг сўмни ташкил этиб солик базаси **1 584 727,68 минг.сўм**ни ташкил этган ва 20 фоиз солик суммаси хисобланиб **316 945,54 минг. сўм** Фойда солиғи сифатида хисобга олинган.

Аудиторлик тахлили натижасида қуйидаги хато камчиликлар аниқланди:

- Маъмурий харажатлар - **258 082,23 минг. сўм**;
- Сарфланган хом ашё ва материалларда **1 677 489,31 минг сўм**га ортиқча чиқим килинган. Материал отчётда чиқим қилинган материаллар суммаси **262 485,29 минг сўм**ни ташкил қилади;
- Сарфланган ёқилғи харажатлари - **8 679,04 минг сўм**;
- Сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари **8 265,61 минг. сўм**;
- Мол-мулк, ер, сув ресурсларидан ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик солиқларда **136 999,36 минг. сўм** фарқ аниқланди. Юборилган солик хисоботларидаги суммалар йиғиндиси **523 890,94 минг сўм**ни ташкил қилади ва шу сабабдан фарқ юзага келди;
- Банк хизмати, хисобланган пения, Аудит хизмати ва юридик хизматлар учун кўрсатилган сумма ўртасида **593 753,51 минг сўм**лик фарқ аниқланди. Аслида бу турдаги харажатлар жами **723 949,78 минг сўм**ни ташкил қилади.
- Банк хизмати- **5 615,08 минг сўм**;
- Аудиторлик хизмати - **6 956,52 минг сўм**;
- Юридик хизмат - **20 750,00 минг сўм**;

Сканировано с CamScanner

- Штраф ва пениялар - **690 628,18 минг сўм**;
- Бошка харажатлар- **256 560,32 минг сўм**;
- Олдинги давр харжатлари 2021 йил учун - **1 341 854,00 минг сўм**;
- Кафиллик бўйича харажатлар - **538 005,70 минг сўм**;
- Коорпоратив карта оркали килинган харажатлар - **20 007,50 минг сўм**;

Жами **6 737 604,57 минг. сўм**лик харажатлар мавжуд бўлиб шундан чегирилмайдиган харажатлар **690 628,18 минг сўм**ни ташкил этиб солик базаси **2 194 404,95 минг.сўм**ни ташкил этган ва имтиёз суммаси **12 000,00 минг сумни** айириб солиқ базаси **2 182 404,95 минг сўм**ни 20 фоиз солик суммаси хисобланиб **436 480,99 минг. сўм** хисобланиши керак эди.

Хулоса: Аудит текшируви натижасида фарқ аниқланди ва қайта хисобот топшириш тавсия қилинади.

4. Ягона ижтимоий тўлов 12 % ажратма

Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича жами ҳисобланган ва йўлланган иш хақи фонди **2 318 476,39 минг сўм**ни ташкил қилган.
Шундан ягона ижтимоий тўлов хисоблаш базаси **2 318 476,39 минг сўм**ни ташкил килган.

Хисобланган ягона ижтимоий тўлов **278 217,17 минг сўм**ни ташкил қилган.

Ўтказилган аудиторлик текширув натижаси ва Жамият хисоботлари буйича фарклар аникланмади.

(Маълумотнома илова килинади).

Ишчи ва хизматчиларнинг иш хаққиларидан ушланган даромад солиғи бўйича.

Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича жами ҳисобланган ва йўлланган иш хақи фонди **2 318 476,39 минг сўм** бўлиб солик базасига тортиладиган жами солиқ суммаси **2 318 476,39 минг сўм**ни ташкил қилган 11,9 % Даромад солиғига тортилиб **275 898,69 минг сўм** ҳисобланган, 0,1% фуқаролар ЖБПТ ҳисобига эса **2 318,47 минг сўм** солиқ ҳисобланган.

(Маълумотнома илова килинади.)

Молиявий хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этилишини текшириш натижалари.

Таҳлил давомида Жамиятда хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунларга риоя килиниши танланма таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди:

Жамият томонидан касса операцияларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Корхонанинг банки бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги қарори ва 2015 йил 22 июнда Адлия Вазирлиги томонидан № 2687 сони билан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини

Сканировано с CamScanner

амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қоидалари талаблари бузилмаган.

Жамият томонидан давр харажатлари ҳисобини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 - сонли карори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом»и талаблари тўла бажарилган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг юритилиши тўғрисида:

“Urganch markaziy dehqon bozori” АЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган 1-сон Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартларига асосан Жамиятнинг «ҳисоб сиёсати» ишлаб чиқилган. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг янги счётлари режасига жорий қилинган. Жамиятда Бухгалтерия ҳисоби мемориал ордер шаклида юритилган. Синтетик ва аналитик счётлар буйича ҳар ойда мемориал ордерлар тузилган ва мемориал ордерлар маълумотларидан Жамиятнинг мавжуд актив ва пассивлари қолдиғи шаклллантирилиб борилган. Айланма ведомостлар асосида йил якуни буйича бухгалтерия баланси ва ҳисоботлари тузилиб, белгиланган муддатларда солиқ органлари тақдим килиб келган. Моддий қийматликлар, нақт пул ва пул маблағлари, кирим чикимлари бирламчи бухгалтерия хужжатлари билан расмийлаштрилган.

Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш учун етарли даражада компьютер техникаси билан таъминланган.

Жамият бухгалтерия хужжатларини текшириш давомида хато камчиликлар аниқланди ва шу хато камчиликларни тузатиш шарти билан ижобий хулоса берилди.

Аудит хизмати кўрсатиш давомида тақдим қилинган бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳужжатлари тўлиқ ҳолда Корхона маъмуриятига сақлаш учун қайтариб топширилди.

MCHJ “AUDIT UNION” AT рахбари **Б.Рахимов**

Аудитор **Ў.Тажибаев**

“Urganch markaziy dehqon bozori” АЖ раиси **О.Бекчанов**